Общ.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР КЕНГАШИНИНГ
ФАРМОЙИШИ

ҚАРАҚАЛПАҚСТАН
РЕСПУБЛИКАСЫ
МИНИСТРЛЕР КЕҢЕСИНИҢ
БИЙЛИГИ

Нукус шаҳри | Нөкис қаласы

№ 122-б «26» май 20 й.ж

**Мўйноқ тумани "Дарёоралиғи" сув ҳавзасида юзага келиши мумкун бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида.**

Қорақалпоғистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг 2017 йил 25 майдаги Тахиатош гидроузелидан пастга йўналтирилаётган сув миқдори жорий йилнинг 23 май кунги кўрсатгич ҳолати 600 м3/сек, 24 май кунги кўрсатгич ҳолати 700 м3/сек сув миқдорини ташкил қилаётганлиги, шунингдек сув миқдорининг тобора ошиши натижасида «Дарёоралиғи» сув ҳавзаси атрофида яшовчи Мўйноқ тумани Порлитаў посёлкаси, Қизилжар ва Шеге овуллари аҳолиси учун сув тошқини хавфи юзага келишини билдирувчи 01/01-972-сонли тезкор хабарномасини инобатга олиб:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 февралдаги «Тошкин, сел қор кўчишлари ва кўчки ҳодисалари билан боғлик фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-585-сонли қарори ижросини таъминлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар амалга оширилсин.

2. Тахиатош гидроузелининг пастки қисми ҳамда "Дарёоралиқ" сув ҳавзаси атрофида яшовчи Порлитаў посёлкаси, Қизилжар ва Шеге овуллари ҳудудларида жорий йилининг 27 май кунидан бошлаб **"Фавқулодда вазият"** эълон этилсин.

3. Қуйи Амударё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси (Узақов), Орол бўйи дельта бошқармаси (Қайпбергенов), Оролни қутқариш Халқаро жамғармаси Ижроия кўмитаси Нукус филиали (Кошеков):

- "Дарёоралиқ" сув ҳавзасидаги сув сатҳини ўсишини сусайтириш учун 2017 йил 27 май кунидан бошлаб 11 сув ростловчи (11 прокоп)ни босқичма-босқич очиш;

- юқоридаги сув ҳавзаси сатҳи 56.80 м. га етганда Шарқий дамбанинг 13+51 (Арслон ўзак) пикетидаги перемичкасини очиш;

- "Д[illegible]оралиғи" сув ҳавзасининг сатҳи 57.00 м. га етганда ҳавза Шарқий дамбасининг 16+40 пикетидаги перемичкасини очиш;

- "Майпост" кўлига ташланган сувлар аварияли дамба устидан ошиб тушишиниг олдини олиш учун оқимни йўналтирувчи (струенаправляющая) дамбанинг 9+50 пикетини очиб, сув миқдорларини Амударё дарёсининг эски узани "Оқдарёга" йўналтириш ишларини амалга ошириш топширилсин.

4. Оролни қутқариш Халқаро жамғармаси Ижроия кўмитаси Нукус филиали (Кошеков) "Ўзмахсуссувқурилиш" давлат корхонасининг "Зарафшанмахсуссув-қурилиш" филиали (Юсупов) билан биргаликда "Майпост" кўли бўйлаб ўтказилган автомобиль йўлининг 121+00 пикетида юзага келган каньоннинг сув ҳавзасига кириб келиши ҳавфини бартараф қилиш мақсадида, қурилаётган вақтинчалик аварияли дамбанинг юқориги сатхини жорий йилнинг 30 май кунига 57.00 м. га етказиб, дамбани мустаҳкамлаш ишларини амалга оширсинлар.

5. Орол бўйи дельта бошқармаси (Қайпбергенов), Мўйноқ тумани давлат ўрмон хўжалиги (Сейтмамбетов), "Мадели" ОФЙ (Абубакиров) аварияли дамбани маҳаллий аҳоли ёрдамида шох-шаббалар билан мустаҳкамлаш ишларини ташкил этсинлар.

6. "Тахиатош нефтебаза" УК (Абдимуратов) "Дарёоралиғи" сув ҳавзасида фавқулодда вазият туфайли амалга оширилаётган қурилиш ишларига қатнашаётган техникаларни керакли ёқилғи мойлаш маҳсулотлари билан узликсиз таъминласин.

7. Оролни қутқариш Халқаро жамғармаси Ижроия қўмитаси Нукус филиали (Кошеков) "Ўзмахсуссувқурилиш" давлат корхонасининг "Зарафшанмахсуссув-қурилиш" филиали (Юсупов) билан биргаликда мазкур фармойшнинг 3 бандида кўрсатилган тадбирлар тугаганидан сўнг қайта тиклаш ишларини амалга оширсинлар.

8. "ЎзГИП" МЧЖнинг Қорақалпоғистон шўъба корхонасига (Заретдинов) мазкур баённинг масалаларига алоқадор вазирлик ва идоралар билан биргаликда "Майпост" кўли бўйлаб ўтказилган автомобиль йўлининг 121+00 пикетида юзага келган каньоннинг сув ҳавзасига кириб келиши ҳавфини бартараф қилиш мақсадида вақтинчалик аварияли дамба қурилиши лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ҳамда мазкур фармойишнинг 3 банди бўйича амалга ошириладиган тадбирлар ва уларининг тугаганидан сўнг қайта тиклаш ишларининг ҳисоб-китобларини ишлаб чиқиш тавсия этилсин.

9. Иқтисодиёт вазирлиги (Қайыпбергенов) ва Молия вазирлиги (Утамбетов) "Дарёоралиғи" сув ҳавзасидаги мазкур фармойшнинг 3 банди бўйича амалга ошириладиган тадбирларга ва тугаганидан сўнг қайта тиклаш ишларига сарфланган харажатларни "ЎзГИП" МЧЖ томонидан ишлаб чиқилган ҳисоб-китоблар асосида молиялаштириш ишларини олиб борсинлар.

10. "Дарёоралиғи" сув ҳавзаси сатҳини назорат қилиш бўйича кечаю-кундиз навбатчилик ташкил этиш Орол бўйи дельта бошқармасига (Қайпбергенов) ва Мўйнок тумани "Мадели" ОФЙга (Абубакиров) юклатилсин.

11. Мазкур мажлис фармойишнинг бажарилишини назорат қилишни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари С.Хожаметов ва Фавкулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи С.Югай зиммаларига юклатилсин.

**Қорақалпоғистон Республикаси**

**Вазирлар Кенгашининг Раиси** **Қ.Сариев**